

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2023 йил октябрь ойининг 10 куни, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъати вилоят суди биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Н.Зайнабидинов,
ҳайъат судьялари: А.Хабибуллаев, И.Сатвалдиевдан иборат таркибда, А.Нишановнинг котиблигида, прокурор У.Шамшидинов, судланган А.А ва унинг ҳимоячиси А.Рўзиохуновларнинг иштирокида, судланган А.Ага оид жиноят ишини судланганнинг шикоятига асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2023 йил 25 августдаги ҳукмига мувофиқ:

А.А.А, 1996 йил 24 апрелда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, ишламаган, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2015 йил 13 мартдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 127-моддасининг 3-қисми, 164-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 166-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 277-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57,59-моддалари тартибида 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2017 йил 2 майдаги ажримига мувофиқ ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 7 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

2. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2017 йил 4 октябрдаги ҳукмига



мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 60-моддасига асосан 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жинойт ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 6 февралдаги ажримига мувофиқ ўталмай қолган 4 йил 11 ой 8 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазони ўтамаган, [REDACTED]

иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан ўта хавfli рецидивист деб топилиб, жазони махсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.А хавfli рецидивист бўлгани ҳолда, 2023 йил 7 май куни соат 12 ларда Андижон шаҳар, Ўзбегим МФЙ ҳудудида жойлашган “Темирўл вокзали”нинг Ўзбегим ва Саноат МФЙ ҳудудларини ажратиб турувчи пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган усти ёпиқ ҳолатда бўлган кўприк ичида кетаётган А.Ини атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб тўхтатиб, унга тегишли бўлган 1 дона нархи 1.500.000 сўмлик “Redmi not 8” русумли уяли алоқа воситасини фойдаланиш учун олиб, қайтармасдан очикдан-очик талон торож қилиб, ҳодиса жойидан кетиб юборган ва телефон аппаратини нотаниш шахсга сотиб юбориб, пулларини ўзининг эҳтиёжига сарфлаб юборганликда;

ўзининг жиний хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран, 2023 йил 10 май куни соат 11 ларда Андижон шаҳар, Ўзбегим МФЙ ҳудудида жойлашган “Темирўл вокзали”нинг Ўзбегим ва Саноат МФЙ ҳудудларини ажратиб турувчи пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган усти ёпиқ ҳолатда бўлган кўприк ичида фуқаро Ж.Тни тўхтатиб, унга тегишли бўлган 1 дона нархи 1.000.000 сўмлик “Samsung A10S” русумли уяли алоқа воситасини фойдаланиб олиш учун сўраб олиб, Ж.Тни қўлидаги юкларини пастга қўйиш учун тушган вақтида телефон аппаратини қайтармасдан кетиб юбориб, телефон аппаратини нотаниш шахсга сотиб, пулларини ўзининг эҳтиёжига сарфлаб юборганликда;

ўзининг жиний хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран, 2023 йил 10 май куни соат 14:30 ларда Андижон шаҳар, Ўзбегим МФЙ ҳудудида жойлашган “Темирўл вокзали”нинг Ўзбегим ва Саноат МФЙ ҳудудларини ажратиб турувчи пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган усти ёпиқ ҳолатда бўлган кўприк ичида ҳеч ким йўқлигидан



фойдаланиб у ерда кетаётган фуқаро Я.Тни атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб тўхтатган ва унга тегишли бўлган 1 дона нархи 2.000.000 сўмга тенг бўлган “Redmi not 11” русумли уяли телефон аппаратини фойдаланиб олиш учун сўраб олиб, ўзини телефонда гаплашаётгандек тутиб Я.Тни чалғитиб, воқеа жойидан кетиб юбориб, телефон аппаратини нотаниш шахсга сотиб, пулларини ўзининг эҳтиёжига сарфлаб юборганликда айбли деб топилган.

Судланувчи А.А апелляция шикоятда, дастлабки тергов даврида жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни қоплаш учун муддат берилмасдан, унга нисбатан қидирув эълон қилинганини, жабрланувчиларнинг мулкларини уларни кўрқитмасдан, уларга руҳий ва жисмоний куч ишлатмасдан уларни алдаб олгани сабабли ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддасига қайта квалификация қилиб, колония турини қаттиқ тартибли колония турига алмаштириб беришни сўраган.

Шикоят нусхалари жабрланувчиларга танишиб эътирозларини билдириш учун юборилган, жабрланувчиларнинг эътирозномалари судга келиб тушмаган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси И.Сатвалдиевнинг маърузасини, ҳимоячи А.Рўзиохуновнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини, прокурор У.Шамшидиновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи А.Анинг шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги музокара ҳамда охириги сўзларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қўйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи А.А суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2023 йилнинг 7 май куни Андижон шаҳар, Ўзбегим МФЙ ҳудудида жойлашган “Темирйўл вокзали”нинг Ўзбегим ва Саноат МФЙ ҳудудларини ажратиб турувчи пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган усти ёпиқ ҳолатда бўлган кўприкдан чиқиш жойида турган вақтида кейинчалик таниган А.Ини келаётганини кўриб, ундан телефонидан фойдаланиб олишни сўраганида А.И телефон аппаратини фойдаланиш учун берганини, шунда телефонда рақам териб гаплашаётгандек кетиб юборганини ва ушбу телефонни Янги бозор ҳудудида нотаниш шахсга сотиб юборганини, пулларини ўзининг эҳтиёжига ишлатганини, 2023 йил 10 май куни яна Андижон шаҳар, Ўзбегим МФЙ ҳудудида жойлашган “Темирйўл вокзали”нинг Ўзбегим ва Саноат МФЙ ҳудудларини ажратиб турувчи пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган усти ёпиқ ҳолатда бўлган кўприкдан чиқиш жойида турганида жабрланувчи Я.Тни кетаётганини кўрганини ва ундан телефон аппаратидан фойдаланиб олишни сўраганида, у телефон аппаратини ўз ихтиёри билан берганини, шунда телефондан фойдаланиб ўзини гаплашаётгандек тутиб, телефонни қайтариб бермасдан кетиб юборганини, бундан ташқари, Андижон шаҳар, Ўзбегим МФЙ ҳудудида жойлашган “Темирйўл вокзали”нинг Ўзбегим ва Саноат МФЙ ҳудудларини ажратиб турувчи пиёдалар ҳаракатланиши учун



мўлжалланган усти ёпиқ ҳолатда бўлган кўприкдан чиқиш жойида турганида жабрланувчи Ж.Тни кетаётганини кўрганини ва ундан телефон аппаратида фойдаланиб олишни сўраганида, у “Самсунг А10С” русумли телефон аппаратини ўз ихтиёри билан берганини, шунда телефондан фойдаланиб ўзини гаплашаётгандек тутиб, телефонни қайтариб бермасдан кетиб юборганини ва “Жахон бозори”га олиб бориб, ўзига нотаниш бўлган шахсга 70.000 сўмга сотиб юборганини, пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборганини, жабрланувчиларга тазйиқ ўтказмаганини, уларни қўқитмаганини, муқаддам судланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойидан жазоси енгилроқ жазога алмаштирилиб, озод этилганидан сўнг, иш топа олмагани ва моддий жиҳатдан қийналгани сабабли ушбу жиноятларни содир этганини, тергов жараёнида ёнида 500.000 сўм пуллари бўлгани ва бир нафар жабрланувчига зарарни қопламоқчи бўлганида, терговчи томонидан пулларни жабрланувчига топширилиши таъминланмаганини, қилмишидан пушаймонлигини билдириб кўрсатув берган.

Жабрланувчи вояга етмаган А.И судда, педагог иштирокида, Пахтаобод тумани 22-сонли умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси эканини, Андижон шаҳридаги “Холис савдо мажмуаси”дан сотиб олган “Redmi not 8” русумли телефон аппаратида фойдаланиб келишини, 2023 йил 7 май куни хафтанинг якшанба куни бўлгани сабабли, мазкур телефонини сотиб, устига пул қўшиб, янгироқ телефон олиш мақсадида соат 08 ларда Андижон шаҳридаги “Холис” савдо мажмуасига келгани ва телефонини сотмасдан қайтиб кетмоқчи бўлиб, Андижон шаҳридаги вокзал ҳудудидаги кўприкдан ўтиб кетаётган вақтида ёнига кейинчалик таниган судланувчи А.А уяли алоқа воситасини бериб туришини, телефон қилиб олишини айтгани шу вақт унинг қўлидаги кесилгандан қолган чандиқ ва татуировка қилинган кўриб, кўрққанидан унга телефонини борлигини, аммо симкартаси йўқлигини айтганида, беравер деганида атрофда одам йўқлиги сабабли кўрқиб телефонини берганини, судланувчи А.А телефонни олиб кетиб юборганини, ундан кўрққанидан қайтариб беринг деб эътироз билдира олмаганини ва уйига кетгани ва шу куни 102 ишонч телефонига кўнғироқ қилиб, хабар қилгани, воқеа куни судланувчининг қўлида пичоқ ёки бошқа жисм бўлмагани, урмаганини, лекин телефонни сим картаси йўқлигини айтса-да, беравер деб олиб кетиб юборгани ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда зарарни ундирилишидан воз кечишини, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берган.

Жабрланувчи Я.Т судда, Андижон Машинасозлик Институтининг 4-босқич талабаси эканини, хар куни эрталаб ўқишга автобусда келиб, соат 13:30 ларда яна яшаш уйига қайтиб кетишини, бир йил илгари Тошкент шаҳрида сотиб олган “Redmi not 11” русумли телефон аппаратида фойдаланиб келганини, 2023 йилнинг 10 май куни соат 14:30 ларда Институт ҳудудидан чиқиб, Андижон шаҳар Саноат МФЙ, ҳудудидан, Ўзбегим МФЙ ҳудудида жойлашган, “Автовокзалдаги пиёдалар ўтадиган кўприкдан ўтиб кетаётганида кейинчалик таниган судланувчи



А.А келиб, уяли телефон апаратыдан фойдаланиб олишни сўраганида, унга телефонини ихтиёрий равишда бергани, у кимгадур қўнғироқ қилганини, оралиқ масофалари бир қадам бўлганини, атрофни кузатиб турганида, ушбу шахс қочиб кетиб юборганини, қайси тарафга кетганини билмай қолганини, бироздан сўнг йўловчи фуқарони телефон апаратыдан фойдаланган ҳолда ўзининг телефон рақамига қўнғироқ қилганида телефон рақами ўчирилганини билганини, судланувчи воқеа жойида ўзи яққа бўлгани, қўқирмагани ва ўзига нисбатан ҳеч қандай зўрлик, таҳдид ишлашмагани, лекин ҳозирга қадарли телефонини қайтариб бермагани ҳақида кўрсатув берган ва судланувчидан зарарларини ундириб, қонуний енгиллик беришни сўраган.

Жабрланувчи Ж.Т судда, Андижон Машинасозлик Институтининг 4-босқич талабаси эканини, Андижон шаҳри, Саноат МФЙ ҳудудида ижарада яшаб ўқишини, “Самсунг А10С” русумли телефон апаратыдан фойдаланганини, 2023 йил 10 май куни соат 11 ларда яшаш жойидан Институтга келаётган вақтида, “Темир йўл” вокзалидаги пиёдалар ўтиши учун мослаштирилган кўприқдан бир ўзи яшаш уйига кетаётганида кейинчалик таниган судланувчи А.А ўзини тўхтатиб, уяли алоқа воситасини бериб туришини, телефон қилиб олишини айтганида, рози бўлиб, унга телефонини тақдим қилганини ва қўлида юклари бўлгани сабабли юкларни пастга қўйиш учун тушиб қайтиб чиққанида А.А йўқлигини кўргани ва атрофдан уни истаб топа олмагач, дастлаб ўзининг телефон рақамига қўнғироқ қилгани, аммо ўчирилгани сабабли 102 ишонч телефонига қўнғироқ қилиб хабар берганини, ҳозирда ўзига нисбатан етказилган зарар қопланмаганини билдириб, зарарни ундириб беришни, судланувчи А.Ага қонуний енгиллик беришни сўра б кўрсатув берган.

Судланувчи А.Анинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, ишдаги аризалар, тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи босқич суди томонидан судланувчи А.Анинг хавfli рецидивист бўлгани ҳолда содир қилган ўзганинг мулкани такроран очикдан-очик талон-торож қилганликдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судланувчи А.А апелляция инстанцияси судида, ҳақиқатда тергов даврида терговчи жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни қоплаш учун муддат бермасдан, унга нисбатан қидирув эълон қилганини, жабрланувчиларнинг телефон апаратларини уларни қўрқитмасдан, куч ишлатмасдан, алдаб олганини, жабрланувчилар суд мажлисида унга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлиги ҳақида кўрсатув беришганини, лекин суд бу кўрсатувларни инобатга олмаганини кўрсатиб, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 168-моддасига қайта квалификация қилишни, тайинланган жазони энгллатишни сўраб кўрсатув берди.

Судлов ҳайъати судланувчи А.Анинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасига қайта квалификация қилиш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, биринчи босқич суди томонидан ҳаракатлари ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган, ҳаракатларини ЖК 168-моддасига қайта квалификация қилишга асослар мавжуд эмас деб топиб, рад қилишни лозим топди.

Судланувчи А.Анинг жабрланувчиларга жиноят оқибатида етказилган зарар бартараф этилгани, улар суд мажлисида судланувчига даъво қилмасликларини, даъводан воз кечганликларини билдириб кўрсатувлар берсаларда, суд инobatга олмасдан, ундан жабланувчиларга зарар ундиришни белгилагани ҳақидаги важлари асоссиз бўлиб, суд жиноят оқибатида етказилган зарар ва зарарни ўрни қоплангани масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчиларнинг бу ҳақдаги кўрсатувларини эшитиб, жабрланувчи А.И ўзига етказилган 1.500.000 сўм зарарни ундирилишидан воз кечганини инobatга олган, ҳамда жабрланувчи А.Тохиржоновга етказилган 1.000.000 сўм, жабрланувчи Я.Тга етказилган 2.000.000 сўм зарарларни судланувчи А.Адан ундиришни белгилаш ҳақида тўғри тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1,3 ва 37-бандларида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Биринчи босқич суди, судланувчи А.Ага нисбатан жазо тайинлашда, қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарорларидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инobatга олган ҳолда у айбли деб топилаётган модда санкцияси доирасида 5 йил озодликдан маҳрум қилиш



жазоси, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан тайинланган жазога илгариги ҳукм билан тайинланиб, ҳозирда ўталмай қолган жазо муддатини қисман қўшиб, узил-кесил ўташ учун 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топиб, жазони махсус тартибли колонияларда ўташни белгилаш ҳақида тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати юқорида баён этилганларга кўра, суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹- моддаларига асосан судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2023 йил 25 августдаги А.А.Ага нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи	имзо
Ҳайъат судьялари	имзолар

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси

И.Сатвалдиев

